

ф.ф.д., проф. А. Қуронбеков

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “ХАМСА” ДОСТОНЛАРИ БЎЙИЧА САНАМА СЎЗЛИК (ЧАСТОТАЛИ ЛУҒАТ) ТУЗИШ МУАММОЛАРИ

Санама сўзлик ҳозиргача бўлган илмий адабиётларда “частотали луғат” деб юритилади. “Частота” сўзи рус тилидан олинган бўлиб, “бирон ҳаракат ёки ҳолатнинг тез-тез такрорланиши” маъносини ифодалайди. Тилшуносликда бирон асардаги нутқ бирликларининг қанча миқдорда қўлланишини кўрсаткичидир. Бу термин асар матнидаги ҳар бир сўз ва синтактик воситаларнинг қанча миқдорда ишлатилишини аниқлаш учун қўллангани учун бу амални “санама сўзлик” деб номладик. Ўзбек тилидаги тилшунослик терминларини кимдир яратиши керак, ахир.

Санама сўзлик яратиш учун, аввал, конкордансда тўпланган сўзликни асл қолипига келтириш керак.

Масалан “Фарҳод ва Ширин”да “jism” сўзи конкордансда 21 сўз шаклда қуйидагича келган: “jism, jismdin, jismê, jismğa, jismi, jismida, jismidā, jisminidin, jismigā, jismigā, jismim, jismimā, jismimdā, jismimğa, jismimni, jismin, jismini, jismtning, jismin, jismin, jisminğa”

Юқорида келтирилган сўз шакллар “jism” сўзининг турли морфологик шакллари бўлиб, улар санама сўзликда битта луғат бирлиги шаклида киритилади. Шундан сўнг уларнинг такрорланган сони жамланади ва санама сўзликда умумий сони кўрсатилади: Масалан:

Jism 102

Демак “jism” сўзи ҳар хил вариантда “Фарҳод ва Ширин” достонида 102 марта қўлланган.

Санама сўзлик тадқиқот мақсадларига қараб турли шаклларда тузилади.

Санама сўзликнинг энг кўп тарқалган шакли асардаги ҳар бир лексемани ишлатилиш сонига қараб камайиб борадиган шакли бўлиб, бу санама сўзлик асардаги сўз туркумларининг қанчалик кўп ёки кам

ишлатилганини аниқлаш учун тузилади. Масалан: “Фарҳод ва Ширин” достонида

Т/р	Сўзлар	Сонлар
1	ul	1228
2	u	959..
	.	.
4050	Zulfiqār	1

Бу шаклда тузилган санама сўзлак асарда шоир ёки ёзувчи ишлатган сўз бойлиги, унинг таркиби ва ҳар бир сўзнинг солиштирма миқдорини аниқлашга ёрдам беради. Бу санама сўзликдан турли математик тадқиқотларда, ахборот ва коммуникация воситаларида, муаллифнинг изоҳли луғатини тузишда ва бошқа мақсадларда фойдаланиш мукин. Масалан: “u” сўзи ҳам олмош, ҳам кўрсатув олмоши, ҳам боғловчи вазифасида келади.

Буни тасниф қилиш учун шу сўз ишлатилган ҳар бир мисрани текшириб, унинг сатридаги вазифасига қараб:

u III шахс кишилик олмоши

u кўрсатув олмоши

u боғловчи

деб, ҳар бирининг миқдорини аниқлаб кўрсатиш керак бўлади.

Санама сўзликнинг иккинчи бир тури алифбо тартибида тузилган сўзлик бўлиб, бу сўзликда сўзлар халқаро транскрипция тизими бўйича қабул қилинган символлар асосида тузилади.

Масалан: “Фарҳод ва Ширин” достонининг сўзлиги қуйдаги шаклда тузилади.

Т/ р	Сўзлар	Сонлар
1	Abod	2
2	Abbada	1
3	Abdurhmān	1.....
.		.
30	Agar	115
31	agarêi	35.....

Бу санама сўзликда мақсад асарда учрайдиган барча сўз ва синтактик воситаларнинг рўйхатини тузиш ва изланишга керакли сўзни алифбодаги тартиби орқали топишдир. Ундан ташқари асар тилида учрайдиган сўзларининг қайсиниси изоҳли луғатга кирган қайсилари кирмаган, қайси сўзлар шоир томонидан янгидан ясалган, қандай сўз туркумларига тегишли, қайси сўзлар ўз қатлам ва қайсилари ўзлашма қатлам, қайси тилларидан ўзлашган ва ҳ.к. масалалар ўрганилади.

Санама сўзликнинг учинчи тури тескари алифболи сўзлик бўлиб, бунда алифбо тартиби сўзларнинг охириги ҳарифидан бошлаб тузилади. Масалан:

Т/ р	Сўзлар	Сонлар
1	Aba	1...
.
20	Ajab	22
.
35	Abas	2...

Шеърый матн асосида тузилган бундай тескари алифболи сўзлик тилшунослар учун сўзларнинг туб сўзлар, ясама сўзлар, қўшма сўзлар, редупликатив сўзлар, тақлид сўзларга ажра-тишда ва сўз ясовчи воситаларини махсулдорлигини қайси во-ситалар тилда фаол, қайсилари фаол эмас, қайсилари ҳозирги пайитда иш-латилмаётганини аниқлашда қўл келади.

Адабиётшунослар учун шоирнинг қофиялаш санъати ва унинг турларини ўрганишда амалда фойдаланиш учун бой манба бўлади.

Санама сўзликнинг тўртинчи тури қўшма феъллар конкорданси асосида тузилади ва унда қўшма феъллар ишлатилиш миқдорига қараб юқоридан пастга камайиши назарда тутилади. Масалан:

Т/р	Сўзлар	Сонлар
1	bār bo’lmāq	400
.
30	yoq emāq	391 ва ҳ.к.

Қўшма феълларнинг санама сўзлиги феълнинг грамматик категориялари бўйича изланувчилар учун ўта бой манба бўлиб хизмат қилади:

Шунингдек фразеологик birlikларнинг санама сўзлиги тузиш мумкин. Масалан:

Т/р	Сўзлар	Сонлар
1	āinayi Iskandariy	15
.
36	rōziy aylamak	12....

Фразеологик бирикмалар санама сўзлиги шоир тилидаги сўз бирлигининг нечоғлик юксалишни ва шоирни ўз ихтироларини ўрганиш ва уларни ўзбек тилининг изоҳли луғатига киритишда муҳим манба бўлади.

Санама сўзликлар эркин бирикмалар асосида ҳам тузилиши мумкин. Агар шундай санама сўзлик тузилса исмий сўз birlikларининг ва феълий сўз birlikларининг вариантлари ва қанча-лик сермақсуллиги ва ўзбек тилининг сўз бирикмаларини яратиш имкониятларини аниқлаш мумкин.

Бу санама сўзликлар шоирнинг мукамал асарлари тўплами асосида тўла амалга оширилса шоирнинг шахсий сўз бойлиги ва ўзбек тилини ривожлантиришда ва уни адабий тил даражасига кўтаришда қўшган хиссаси, тилни қанчалик теран билиш ва ижодий қудрати маълум бўлади.

Санама сўзликларни қўл меҳнати билан тузиш ўта катта вақт ва маблағ талаб қилади ва юқорида келтирилган санама сўзликнинг фақат биттасини амалда яратиш мумкин.

Лекин XXI аср - бу информацион технологиялар асри. Ҳозирги пайтда, компьютер лингвистикасининг имкониятлари чексиз. Агар тилшуносларнинг илмий-назарий билимлари программист-ларнинг

бу ишларни амалга оширишда билим тажрибалари бир-лаштирилса тилшуносликда ҳам, адабиётшуносликда ҳам инқи-лобий ўзгаришлар яратиш мумкин.

Бу сўзликларни тузишдан ниҳойи мақсад ўзбек тилининг асл бойлигини ва яратувчилик ички имкониятларини атрофлича ўрганиш ва ўзбек тилини ривожлантиришнинг илмий асарларини яратишдир.

Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғотайн” асарида ўзининг туркий тилига берган таърифини шундай баён қилади... турк ал-фозиғадаги мулоҳазани лозим кўрилди- оламе назорға келди, ўн саккиз минг оламдин ортуқ, анда зебу зийнат: ва сипехре таъьга маълум бўлди, тўққиз фалакдин ортуқ анда фазлу рифъат, ва мах-зане учради, дурлари кавокиб гавҳарларидин рахшандароқ, ва гулшан йўлиқди, гуллари сипехр ахтаридин дурахмандароқ, харими амрофи эл аёғи этмакдин масъун ва ажноси ғарибий ғайр илги тегмакдин маъмун.

Ўзбек тилининг хақиқий бойлигини илк бор кашф қилган Алишер Навоий ҳазратлари бўлган. Биз тилшуносларнинг вазифамиз ўзбек тилининг тенгсиз бойлигини жамлаб унинг унут бўлган “ўн саккиз минг оламдек” битмас туганмас бойлигини қайта тиклаш ва муомалага киритишдир.

Санама сўзлик тузишдан олдин конкорданс (очқич)даги [Бундан кейин “очқич”] ҳар бир сўзни бирма-бир матн бўйича таққослаб, ўтиб кетган хатолар бўлса тузатиб чиқиш керак. Масалан:

19/61 Kišvar aḡa nur u šafā xittasi
Anši etib hamd-u šanā xutbasi.

Бу байтдаги “anši” сўзи хато, 20 жилдликда худди шу шаклда берилган. “Anši” сўзи қадимги туркийда ҳам “Девони луғат-ит-турк”да ҳам йўқ. Демак, бу туркий сўз эмас. Бу сўз араб тилидаги “انشى” [inšī] انشا[inšā]нинг бир варианты. Бу сўз вазн бўйича матнга ҳам мос келади.

“Ҳамд-у-сано хутбасини иншо этиб”, яъни “ёзиб” деган маънони англатади.

Яна:

Tīra jabīn oylaki mehnat kuni

Lang xirām oylaki furqat kuni.

Бу байтдаги “tīrajabīn” ва “langxirām” сўзлари қўшма сифат, шунинг учун қўшма сўз шаклида қўшилиб ёзилиши керак.

Конкордансда бу сўзлар хато кетган, алоҳида сўз шаклида берилган.

От сўз туркуми бўйича сўзшаклларни сўз бирликларига ўтказиш :

Атоқли отлар: *Сафиюллоҳ, Абдуллоҳ, Убайдуллоҳий* каби атоқли отларнинг изофий шакли, келишиклари олиб ташланади: *Одами Сафиюллоҳ*даги изофий кўрсаткич “*u*” тушиб қолади.

турдош отлардан изофа қўшимчаси (*‘ābidi*), бирлик “*ё*” қўшимчаси (*‘ālame*), кўплик қўшимчаси (*ādamilar*), келишик қўшимчаси (*ādamga*), эгалик қўшимчаси (*amringa*) олиб ташланади:

от туркумига оид ясама сўзлар: *anbarvaš* каби алоҳида рўйхатга олинади.

атрибутив ва копулятив қўшма сўзлар: “*ajr-u-niyāz*” каби алоҳида рўйхатга олинади.

арабча содда отлар, ясама ва қўшма сўзлар, синик кўпликдаги отлар, изофий бирикмалар, масалан: *аун-ул-ҳайāt*; копулятивлар: *āšīq-u-ta ‘šīq* каби алоҳида рўйхатга олинади.

арабий ҳарф номлари: “*alif*”, “*аун*” каби алоҳида рўйхатга олинади.

“*al*” артикли билан келган арабча сўзлар: (*alqişsa*) алоҳида рўйхатга олинади.

отнинг инкор шакли алоҳида: *adabsiz* каби сўзлар алоҳида олинади.

Аслий, нисбий, арабий, туркий, форсий сифатлар

алоҳида рўйхатга олинади:

Аслий сифатлар предметни ранги, туси, ҳажмини билдиради: *қора, сариқ, оқ* , *кўк*; таъмини билдиради: *ширин, чучук, аччиқ*; абстракт сифатлар: *яхши, ёмон, узун, эски, қари, ёш*.

–лик, -лик, -луғ, -лиг аффикслари билан ясалган сифатлар алоҳида олинади: *кўрклуғ, бўйлуқ, мунглуғ*

–сиз, –суз аффикси билан ясалган сифатлар алоҳида олинади: *вафосиз, бодасиз, сенсиз, яроғсиз*

Бе- префикси билан ясалган сифатлар алоҳида олинади: *бечора, бевафо, безътибор*

–қи, –ки, –ғи аффиксли сўзлар алоҳида олинади: *ташқи, бурунғи, сўнғи*

–қиқ, –уғ, –ук аффикси билан ясалган сифатлар: *аччиқ, қуруқ, бузуг*

–н аффиксли сўзлар: *ойдин, тўлун*

–ри аффикслар: *эгри*

Сифатнинг ортгирма даражаси алоҳида олинади: *беҳад, бисёр, асру*

Белгини ортиқ ё камлигини билдирувчи сифатлар: *қип-қизил, яп-яшил, кўкумтул, йахшигина, кичиккина*

Кўшма сўз шаклида ясалган сифатлар алоҳида: ‘*āliyasās*

4.Равиш сўзшакллари сўз бирликларига умумлаштириш

4.1 Туб равишлар алоҳида олинади: *оҳиста, тез, ногоҳ, равон, осон, пайдарпай, субҳидам, ҳоло, аввал, тик, эгри*

4.2–ча билан ясалган равишлар: *туркча, йилча, менча, улча, ушмунча, кейнича, оқшомгача, ергача*

4.3–дек аффиксли равишлар: *онлардек, чиққандек, сендек, онингдек*

4.4–дак аффиксли равишлар: *мундак, андак, мунунгтек*

4.5–ла аффиксли равишлар: *тонгла, бўйла*

4.6–она аффиксли равишлар: *туркона, ошиқона*

4.7–ри аффиксли равишлар: *ташқари, ичкари*

4.8. “*gi*” (*gi*) қўшимчаси билан ясалган равишлар алоҳида: *āllidaḡi*

4.10 Жуфт равишлар: *тун-кун, кеча-кундуз, аччиқ-аччиқ, бурунғи кун, айру, бир йўли, олам-олам, авуч-авуч*

Олмошларнинг қуйидаги турлари алоҳида қайд қилинади.

Кишилик олмошлари алоҳида олинади: *мен, сен, у, биз, сиз, улар*. Кишилик олмошларининг келишиклик шаклидан келишик қўшимчалари олиб ташланади: *менинг- мен, бизнинг- биз?*

Кўрсатиш олмошлари алоҳида олинади: *бу, у, ул, ушбу, ҳамул*

Ўзлик олмошлари: ўз алоҳида олинади: *ўзум, ўзинг, ўзунин* – ўз шаклида

Сўроқ олмошлари: *ким, не.. Не* олмоши нима маъносида ишлатилади. *У -лар, -дин, -га* билан ишлатилади: *недин, нега, нечун.*

Нега сўроқ олмоши алоҳида олинади.

Қайу сўроқ олмоши алоҳида олинади. *Қайда, қанда, қайдин, қачон, қанча* алоҳида олинади.

Биргалик олмошлари: *барча, бари, баъзи, ҳамма* алоҳида олинади.

Белгилаш олмошлари: *ҳар*, алоҳида.

Гумон олмоши: *кимса, биров, фалон.*

Бўлишсизлик олмошлари: *ҳеч.*

Феъл

Мумтоз ўзбек тилида майл ва замон учга бўлинади:

Буйруқ-истак майли:

Бирлик шакли: борайин, тортайин, келтурайин

–*ай аффиксли шакллар: демай, борай, кетай, қилай...*

–*гайим, -гайин аффиксли феъллар: бошлагайин, айлагайин...*

–*айим аффиксли феъллар: берайим, кўрайим*

Кўплик шакли:

–*алим аффиксли: ўйкалим, боралим*

–*алинг аффиксли шакллар: сочалинг, ўлтуралинг*

–*али аффиксли: қилали, ичали*

–*алик, алиқ аффиксли: кўрайлик*

–*гил, -қил аффиксли: унуткил, боргил, эшиткил*

–*гуз аффиксли: кўргуз*

–*у унлиси ортирилади: бору, ахзору*

–*инг, -унг аффиксли: келтурунг, қилинг*

–*ингиз, -унгиз: кўрқутунгиз*

–*инглар : қилманглар, ахтарманглар*

–*ингизлар: борингизлар, истангизлар*

–*син: борсин, олсин*

–*дик: олдик, солдик*

Буйруқ майлининг юқоридаги барча шакллари феълнинг ноаниқ шаклига ўтказилади

Шарт майли:

–са аффиксли: борса, олса, сўзласа

Шарт майлининг аналитик формаси:

-са эрди : топсам эрди, бўлсам эрдим, кирса эрди

-дим эрса: кўрдум эрса, қўйдум эрса

-ар эрса: истар эсанг, гилар эсанг

Шарт майлининг содда шакли феълнинг ноаниқ шаклига ўтказилади, аналитик шакли эса тўлиқ феъл шакли алоҳида ва ёрдамчи феъл алоҳида ноаниқ шаклга ўтказилади.

Аниқлик майли:

-ди, -ти аффиксли: борди, бордим, кўрдум, кўрдунгуз

-миш аффиксли: бўлмишмен, бўлмишам, бўлмиш дурур

-ма аффиксли: қалманиш

-ган, -кан: бўлган турур, келган дурур

-ибтур мен, -этибсен:

1. қилибтурмен, қилиб турсен

2. шод этибсен

-миш эрди: кўрмамиш эрди, урмиш эрди

-ган эрди: қалган эрди, борган эрди

-дур, -тур эрди: қилмайдур эрди, айтмайдур эрди

-ар, -ур эрди: суларлар эрди, йиғлар эрди, куларлар эрди, ўтар эрди

-қай, -гай эрди: айтмагай эрди, солмагай эрди

-дурмен: борадурмен

-дур: ўтмакдадур

-айларам: айларам, тиларам

-йур: айлайур, йиғлайур

-мон: билмон, қила олмон

-ур: кўрсатур, йиқилур

-гу, -ку, -гун, қун: топмагун

-гуси: англагуси, бўлгуси

-гай, -қай, кай, -га, ка: этгамен

Феълнинг юқорида кўрсатилган барча шакллари ноаниқ шаклига ўгирилади.

6.1. Феълнинг бўлишсиз шакли худди бўлишлидек ноаниқ шаклда берилади: *oksutma – oksutmāq*.

Феъл ясалиши:

-ла: *тўйлади, буклади*

-да: *йўлдади, қўлдади*

-ай: *улгайибдур*

-қор, -зор, -кор: *бошқарур, ўтқарур*

-уқ: *йўлуқушти*

-син: *йиғламсинур*

Ўзлик даража –н, ин, ун, ил, ул: *кўрунмас, қилинди, қилинади, битилди, йуборилди*

-ит, уз, р, ур: *ўхшатти, чиқарур, кезур, еткур*

-гай: *йиғиштургай*

-са: *йарутулса*

Феълнинг ясама шакли янги тўла маъноли сўз сифатида алоҳида ноаниқ шаклида берилади.

Ҳаракат номи формалари:

Ҳаракат номининг –моқ ва –мак аффиксли шакли алоҳида-алоҳида олинади: йиғламоқ, кутмак, сўзламак...

Достонларда ҳаракат номининг –ма аффиксли шакли учрайди.

Улар алоҳида олинади: кўрмамак- кўрмаслик, урмамак- урмаслик

Ҳаракат номининг –иш аффиксли шакли олинади: олиш, кутиш

Сифатдош

–миш аффиксли сифатдошлар олинади: бормиш, аймиш...

–йдурган аффиксли сифатдошлар олинади: сўзлайдурган

–ур аффиксли сифатдошлар олинади: айтур, билур, қилур

Эгалик аффикси билан: қилурум

–гон, қон, ган аффиксли сифатдошлар алоҳида олинади:

тойилгон, ошуққон, берган

6.2. Ўтган замон сифатдоши *-ib, (yetib) -ip, -up (yetubdur)* билан ясалган бўлса, феълнинг ноаниқ шаклида берилади: *yetmāq*. Чунки у отлашмайди. *-miš, -ğan, -qan, -gan, -kan* сифатдошлари отлашиб,

сифатлашиб, равишлашиб келгани учун алоҳида берилади: *yetmiš, yetgan*.

6.3. Ҳозирги замон сифатдошлари кўп функцияли бўлганлиги сабабли алоҳида берилади: *-kiči, -giči, -ġiči, -qiči: yāzġiči, sāčquvči*.

6.4. Келаси замон ёки лойиқликни билдирувчи: *-ġuluq, -quluq, -guluk, -kuluk* сифатдошлари алоҳида берилади: *olturguluk, kiyguluk*.

Равишдош

–у ва –йу аффикси билан ясалган: *ўйнайу, айлайу, бору*

–бон, –убон шакли: *борибон, кетибон*

–гали, –қали аффиксли: *ўйнагали, айлагали*

–қоч, гоч аффиксли: *ўнғач, олғач*

–гунча, қунча аффиксли: *еткунча, дегунча*

–ганча, –қанча аффиксли: *олганча, борганча*

–ай аффиксли: *томиший-томиший*

–а, ай аффиксли: *тилай, тура*

–май аффиксли: *кўрмай, топмай*

–майин аффиксли: *билмайин, кўрмайин*

–иб, –уб аффиксли: *келтуруб, кириб, уруб*

6.5. Равишдошнинг *-ip, -ib, -ur, -ġač, -qač* феълнинг ноаниқ шаклида берилади: *-ān, -ar, -ui, -ġali, -qali, -kali, -ġunča, -qunča, -gunča, -kunča* равишдошлари турли функцияни бажаргани учун алоҳида берилади.

6.6. Форсча, арабча сифатдошлар алоҳида: *afruxta, munkir...*

Миқдор сон ва тартиб сонлар:

7.1. Ноаниқ санок сўзлар алоҳида: *апча*.

7.2 Санок сонлар алоҳида берилади: *бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн*. Бу сонларнинг қисқа шакли *ики, ети, сакиз, тўқуз* алоҳида олинади.

7.3 2 составли санок сонлар алоҳида-алоҳида олинади: *юз йигирма, тўрт юз*.

7.4. Ноаниқ сонлар алоҳида олинади: *кўп, оз, бисёр*.

Тартиб сонлар ҳар бири алоҳида олинади: *биринчи, иккинчи, ўнинчи, қирқинчи*.

Жамловчи сонлар алоҳида берилади: *биров, тўртов, иковла*

Дона сонлар алоҳида берилади: бирта, иккита

8. Боғловчилар

8,1 Тенг боғловчилар: *ва, у, йу, ҳам, дағи*

Айирувчи боғловчилар: *ё, ёхуд, ёки, гоҳ, гоҳи, тақи, аммо*

Зидловчи боғловчилар: *лекин, лек, валекин, вале*

Инкор боғловчилар: *на*

Эргаштирувчи боғловчилар: *ким, ки, агар, агарчи, чун, чу,*

чунунким, невчун

čun, tā, qačān, ne(v)čun, bā vujudī, andāqki, agar (ar), (a)garči, negaki(m), andaki(m) боғловчилари алоҳида берилади

9. Кўмакчи

9.1 Содда кўмакчилар ва уларнинг вариантлари алоҳида олинади: *учун, чун, бирла, ила, киби, бикин, узра, уза, ичра, сари, дегинча, тегру, сайи*

От кўмакчилар алоҳида олинади: *ҳақида, жиҳатидан, бобида, олд, оллида, олдиға, йанида, қатида, қошида, ичида, ўртасида, аро, орасида, уст, устида, устидин, тепа, бошида, остида, тубида, хақида, йузунда, борасида, васфида, жиҳатдин, бурун, кейин, сўнгра, нари, сўнг, ўтру, ўзга*

9.3 *bi(r)la, (ba)juz, ġayr-i, maġar, kibi, yangliġ, nečukkim, tahti, daġi, hat* алоҳида берилади.

10. Кириш сўзлар алоҳида: *albatta, моддомики*

10.1 *магар* юкламаси тахмини билдиради

10.2 *Кошки* юкламаси орзуни ифодалайди

10.3 *Шояд* юкламаси фаразни билдиради

10.4 *Балки* юкламаси маънони кучайтириш учун ишлатилади

10.5 *Гўё* юкламаси тахминни билдиради

11. Ундов юкламалари алоҳида:

Хитоб ундови: *эй*

Ё ундови: *ё раб*

Айё ундови

11.4 *Оҳ ва воҳ* ундовлари алоҳида қайд этилади

12. Турли сўз туркумларига оид омоним сўзлар алоҳида: *āč(om) – āčmāq(феъл); almās – ālmāq; almās –(кимё) om, yetti (сон) – yetti(феъл)*

13. Бир сўз бирлиги матнда турли вариантлари алоҳида рўйхатга олинади: *ani, āni, yetti – yeti.*

14. Араб тилида келтирилган Қуръон ва ҳадислар ва ҳикматли ибора ва жумлалар алоҳида берилади: *‘azzama qadrah.*

15. Санама сўзликка ўтказиш давомида бу йўриқномада кўрсатилмаган ҳолатлар чиққанида улар маслаҳат йўли билан ҳал қилинади.

Шартли қисқартмалар

I - от

S - сифат

R - равиш

F - феъл

SN - сон

AL - олмош

SD - сифатдош

RD - равишдош

K - кўмакчи

B - боғловчи

Y – юклама

Ks – кириш сўз